



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА ҲУДУДИНИНГ СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди, сейсмология ва сейсмик чидамли қурилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини жаҳон талаблари даражасида ўтказиш учун шарт-шароитлар яратилди, ер қобиғининг кучланган-деформацияланган ҳолатини кузатувчи, сейсмик хавфни баҳолашда ва зилзилалар даракчиларини қайд қилишда фойдаланиладиган станциялар тармоғининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудуди сейсмик фаол зоналарда жойлашганлиги сабабли сейсмик хавфнинг олдини олиш, аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилиш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, соҳада аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни ва илмий тадқиқотларни доимий амалга ошириб бориш зарурати мавжуд.

Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини жаҳон стандартлари асосида ривожлантириш мақсадида ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-

лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ;

1. Ўзбекистон Республикасида сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Куйидагилар сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

сейсмик хавф даражасини камайтириш чораларини кўриш; фойдаланишда бўлган ва фойдаланишга топширилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини назорат қилиш; республика ҳудудида жойлашган сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлигини назорат қилиш;

сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

сейсмик хавфсизлик ва мустаҳкамликни таъминлашнинг замонавий услуб ва техник воситаларини амалиётга жорий этиш; сейсмик хавфсизлик ва мустаҳкамликни таъминлашнинг илмий асослари ва технологияларини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон қарори билан тасдиқланган Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгашига (кейинги ўринларда – Кенгаш) Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

3. Куйидагилар сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси – сейсмик хавфни турли миқёсда баҳолаш, ҳудудларни сейсмик районлаштириш, зилзилаларни муддатлар кесимида прогноз қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, турли сейсмик хавфининг инженер-геологик асосларини ва баҳолаш тех-

нологияларини яратиш учун масъул бўлган давлат илмий муассасаси;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги – республика ҳудудида қурилаётган объектлардаги лойиҳалар ва қурилиш сифатини сейсмик хавфсизлик бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш ва назорат қилиш, шаҳарлардаги мавжуд биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш, иншоотларнинг сейсмик хавфини камайтириш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқиш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги – республика ва трансчегаравий ҳудудларда, шунингдек, табиий ва техноген хавфли ҳудудларда ҳамда муҳим объектларда сейсмик хавфсизлик бўйича мониторингни ташкил этиш, кучли ва талафотли зилзилалар содир бўлиши хавфи мавжуд бўлган давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилманинг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари

департаменти таркибида қўшимча 3 та штат бирлигини ажратган ҳолда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш шўъбаси (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштириш шўъбаси) ташкил этилсин.

Куйидагилар Мувофиқлаштириш шўъбасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги масъул органлар ва ташкилотлар фаолиятини доимий мувофиқлаштириб бориш; сейсмология соҳасида илм-фанни ривожлантириш, замонавий ахборот, шу жумладан, инновацион технологияларни кенг жорий этиш; сейсмик хавфни прогнозлаш жараёнини рақамлаштириш чораларини кўриш; республикада сейсмик хавф даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш;

аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишлигини ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда)

### ЖИЗЗАҲДАН ХАБАРЛАР

## Йирик цемент заводининг биринчи босқичи ишга туширилди

Яқинда Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони яна биттага кўпайди, деб хабар берди «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси матбуот хизмати.

Қайд этилишича, Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида йирик цемент заводи «Нухаён Cement Jizzakh» МЧЖ ҚКнинг биринчи босқичи ишга туширилди. Корхона йилига 1,2 млн тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Лойиҳанинг умумий қиймати 150,0 млн долларни ташкил этади. Эътиборлиси, завод тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига бунёд этилган. Муҳими пандемия шароитида бу ерда 300 дан ортққ янги иш ўринлари яратилди. Эндиликда корхонада М-400 ва М-500 маркадаги сифатли цемент маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бунинг учун корхона энг сўнги русумдаги энергия тежамкор, экологияга таъсир кучи кам бўлган техноло-

гиялар билан жиҳозланган. Ҳозирда заводда кунига 2,5-3 минг тонна ярим тайёр маҳсулот клинкор ишлаб чиқаришмоқда. Синов-текширув даври якунланган, завод кунига 5 минг тонна сифатли цемент ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Маълумот учун, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси инвестиция лойиҳалари, ҳамда ҳудудий дастурига кўра вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда жорий йилда умумий қуввати 5 млн тонна бўлган жами 6 та янги цемент заводлари фойдаланишга топширилади. Натижада, цемент ишлаб чиқариш бўйича умумий ишлаб чиқариш қуввати йилига 20 млн тоннага етказилади.

## Инвестициявий лойиҳалар иқтисодий салоҳиятни оширади

Зомин туманида 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1 триллион 126 миллиард сўмлик 99 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши ва 2497 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Лойиҳаларнинг 575,6 миллиард сўми ташаббускорларнинг маблағлари, 237,7 миллиард сўм банк кредитлари, 25,8 миллион АҚШ доллари эса хорижий кредит линиялари, 5,2 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Ушбу инвестиция лойиҳалари сановат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида амалга оширилиб, салкам 2,5 мингта иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 502,3 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Натижада қиймати 116,1 миллиард сўмлик 41 та лойиҳа фойдаланишга қабул қилиниб, 259 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги

4563-сонли қарорига асосан «Жиззах органик» МЧЖ томонидан 2019-2023 йиллар мобайнида қиймати 100 миллион АҚШ долларлик (шундан 70 миллион АҚШ доллари хорижий кредит, 5 миллион доллар ўз маблағи, 25 миллион АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) лойиҳаси амалга оширилиб, 1000 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Ўтган вақт ичида 24,2 миллион АҚШ доллари миқдоридан хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

2020 йилдаги қарорга асосан ташаббускор томонидан 20 миллион доллар ўзлаштириши белгиланган бўлиб, шу йилнинг 6 ойи мобайнида 16 миллион доллар миқдоридан хорижий инвестициялар тўғридан-тўғри ўзлаштирилди.



## Экспорт ҳажми янада ортади

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида 2018 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «GREEN LINE PROFIL» масъуляти чекланган жамияти алюминий профил маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ушбу корхонага 39,6 миллион доллар миқдорда инвестиция киритилган бўлиб, унинг йиллик қуввати 36 минг тоннани ташкил этади. Корхона фаолиятини бошлаши муносабати билан 700 та янги иш ўрни яратилди.

Корхона томонидан йиллик ўртача ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. Хусусан, тайёр маҳсулотлар 10 дан ортққ давлатлар бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллади. Биргина корхона томонидан 2020 йилнинг 6 ойи давомида 5 миллион АҚШ долларидан юқори ҳажмда экспорт фаолияти амалга оширилгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Корхонанинг тайёр маҳсулотларидан қурилиш, самолётсозлик, кemasозлик, машинасозликда кенг фойдаланилмоқда.

Жорий йилнинг 4-чорагида мазкур корхонанинг иккинчи босқичи ишга туширилиши режалаштирилган. Ушбу босқич учун 20 миллион АҚШ доллари инвестиция киритилиши, натижада эса қўшимча 200 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Иккинчи босқичнинг ишга туширилиши 75 минг тонна алюминий профил ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Суратларда: «Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги «GREEN LINE PROFIL» масъуляти чекланган жамиятида.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА ҲУДУДИНИНГ СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

фойдаланишда бўлган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда чоралар кўриш;

республиканинг сейсмик фаол ҳудудда жойлашган иншоотларнинг мониторинги натижаларига асосланиб, мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида юридик шахс тузмаган ҳолда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Куйидагилар:

а) Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

республика бюджетидан амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурлари учун ажратилган грант маблағлари ҳисобидан жорий йилда 20 миллиард сўмгача бўлган маблағлар, келгуси йилларда эса эҳтиёжга қараб, Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоб-китобларига асосан ажратиладиган маблағлар; хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

Жамғарманинг бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинмаган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Жамғарма маблағлари сарфланмаган йўналишлар этиб белгилансин: илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

илмий лабораторияларни зарур асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техника воситалари ҳамда бутловчи материаллар билан таъминлаш ва уларни ўрнатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

республика аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамлаштирилган технологияларни жорий этиш, сейсмик чидамли қурилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мус-

таҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларнинг соҳага оид фаолият йўналиши бўйича моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

республиканинг сейсмик фаол ҳудудда жойлашган мавжуд бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш жараёни билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

юксак илмий натижаларга эришган ва фан ривожига муносиб ҳисса қўшган олимларни, шу жумладан, ёш илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Жамғарма маблағларини тасарруф этувчиси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетини (кейинги ўринларда – Турин политехника университети) «Муҳандислик сейсмологияси» таълим йўналиши ва мутахассислиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини «Сейсмология ва сейсмометрия» таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан базавий олий таълим муассасалари этиб белгилансин;

мазкур таълим муассасаларида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тегишлилигига қараб «Муҳандислик сейсмологияси» ва «Сейсмология ва сейсмометрия» таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалаврият ҳамда магистратура босқичларида ўқув жараёнларини йўлга қўйиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

7. Турин политехника университети қошида бино ва иншоотларни экспериментал тадқиқ қилиш илмий-техник лабораторияси (кейинги ўринларда – Лаборатория) ташкил этилсин ва Лаборатория томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовларининг асосий йўналишлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб кўйилсинки:

Лаборатория Турин политехника университетининг Технопарки биносидан ташкил этилади;

Лабораторияни ташкил этиш ва айрим асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича ишлар Жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг техник кўмак маблағлари (грантлари) ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади;

Лаборатория штат бирикклари Турин политехника университетининг профессор-ўқитувчилари, докторантура изланувчилари ҳамда «Қурилиш материаллари ва конструкциялари» лабораторияси ходимларини мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади;

бино ва иншоотларнинг сейсмик чидамли қурилиши бўйича тадқиқотлар олиб бориш, сейсмик хавфни баҳолаш ва камайитириш учун масъул давлат илмий-тадқиқот муассасалари Лабораториядан бегараз фойдаланадилар.

8. Белгилансинки:

а) куйидагилар:  
2021 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг сейсмик фаол ҳудудда жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи электрон техник паспортларни шакллантириш;

2021 йил 1 майдан бошлаб янги қурилиш режалаштирилаётган кўп қаватли бино ва иншоотларнинг конструктив тизими, қурилиш майдонининг сейсмик даражаси, юк кўтарувчи конструкциялар материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичларини назарда тутувчи электрон техник паспортларни шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди;

б) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда мазкур амалиёт жорий этилиши учун масъул бўлган ташкилотлар ҳисобланади;

в) шакллантирилган электрон техник паспортлардан сейсмик хавф прогнози мавжуд бўлган ҳолларда бинолар ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ўрганиш, содир бўлиши кутулаётган zilзилга тайёргарлик кўриш ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадига фойдаланилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Қурилиш вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда:

а) 2020 йил 1 декабрда қадар бино ва иншоотларни электрон техник паспортлаштириш услубиётини ишлаб чиқсин;

б) 2021 йил 1 декабрда қадар: минтақавий даражадаги сейсмик хавфни баҳолашнинг илмий-услубий асосларини, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудининг майда масштабдаги сейсмик риск харитасини ишлаб чиқсин; кучли zilзилаларни ўз вақтида прогнози қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда тегишли профилактик чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадига майда масштабдаги сейсмик риск харита базасида дастурий таъминоти яратсин ва аҳоли хабардорлигини доимий таъминлаб бурсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг сейсмик ва комплекс прогностик станциялари билан прогноз маълумотлар алмашинуви жараёнига автоматлаштирилган тизимни жорий этсин;

б) Фанлар академияси ва Ташқи ишлар

вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар Марказий Осиё ҳудудида сейсмик хавф-хатарни прогноз қилиш масаласи юзасидан қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

в) Фанлар академияси ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

2021 йил 1 апрелга қадар фуқаролар учун zilзила вақтида тегишли ҳаракат ва тадбирларни амалга ошириш бўйича услубий қўлланмани;

маҳаллий хомашёдан хусусий уйларни (индивидуал биноларни) қуришда элементар заифлигини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар:

а) ҳолига содир бўлган zilзила бўйича тўлиқ маълумотлар етказилишини таъминловчи мобиль иловани яратсин;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг расмий веб-сайти, маълумотлар базаси ва мобиль илова ўртада тезкор маълумотлар алмашинуви интеграциясини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

2020 йил 1 ноябрга қадар барча сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлик ҳолатини баҳолаш бўйича экспресс услубиётни ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 июнга қадар сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг сейсмик заифлигини баҳолаш паспортларини шакллантириш ва уларнинг аниқланган сейсмик заифлигини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ҳамда муҳома қилиш ва тасдиқлаш учун Кенгашга киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

а) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

2020 йил 1 декабрда қадар соҳадаги малакали мутахассис ва олимларни жалб қилган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини;

2021 йил 1 мартга қадар 2030 йилгача бўлган мuddатда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда

икки ой мuddатда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасига халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиш, шунингдек, соҳа мутахассислари учун хорижий мамлакатларда ўқиш, стажировка ўташ ва малака оширишни ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой мuddатда:

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш; республиканинг сейсмик фаол ҳудудда жойлашган сув омборларида инструментал сейсмик мустаҳкамлик чораларини доимий амалга ошириш тизимини яратишни ҳамда бунга масъул ташкилотларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорларини қабул қилсин;

б) икки ой мuddатда:

Лаборатория фаолиятини тўлиқ ташкил этиш учун зарур бўлган айрим асбоб-ускуналар билан;

Фанлар академияси М. Т. Уразбаев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтини бино билан таъминлаш чораларини кўрсин;

в) уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарор ва Дастурда белгиланган вазифаларни ҳудудлар кесимида сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадига масъул ижрочиларга яқиндан кўмаклашсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиغان ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2020 йил 30 июль

## Коррупцияга қарши курашишнинг янги босқичи

Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиб, коррупцияга қарши курашнинг янги босқичи бошланди.

Кейинги йилларда коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ишларни уч босқичга бўлиш мумкин.

Жумладан, биринчи босқичда, коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Хусусан, 2016 йилнинг 13 декабрда бўлиб ўтган Сенатнинг ялпи мажлисида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун муҳома қилинди ва маъқулланди. 2017 йилнинг 3 январда эса 6 та боб, 34 та моддадан иборат мазкур қонун Президентимиз томонидан имзоланди.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда аҳамияти бўйича коррупцияга қарши курашда биринчи катта қадам бўлди. Шу кунгача коррупцияга қарши курашда тарқоқ қонун ҳужжатларидан фойдаланиб келинган, яхлит бир қонуннинг ўзи йўқ эди. Қонунга БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида ўз аксини топган халқаро ҳуқуқнинг бу борадаги мумуэтироф этилган норма ва коидалари киритилди.

Қонуннинг эътиборли томони шундаки, унда коррупцияга қарши курашнинг мақсади, тушунчалар, принципалар, ушбу фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар, тадқиқотлар ва халқаро ҳамкорлик билан бирга коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди.

Иккинчи босқичда, коррупцияга қарши курашнинг институционал ва ташкилий асослари яратилди. Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан белгилаб берилган устувор йўналишлар муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, бугунги кунда иқтисодий ёқори даражада ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш, шунингдек, мамлакатда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш стратегик масала ҳисобланади. Бу борадаги вазифаларни ҳал этишда ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши муҳим.

Шундан келиб чиқиб, фармонда, биринчидан, коррупцияга қарши кураш самарадорлигини янада ошириш, иккинчидан, юқори даражадаги кулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш ва учинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва рейтингини ошириш асосий гоа ва мақсад этиб белгиланди. Фармон билан «2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури» тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиянинг 48 аъзодан иборат янги таркиби тасдиқланди. Бундан ташқари, Олий Мажлис палаталарида коррупцияга қарши ку-

рашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилди. Коррупцияга қарши курашиш республиканинг барча ҳудудларида комплекс олиб боришнинг самарадорлигини ошириш мақсадига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида қонунчиликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиялар ташкил этилди. Ҳудудлардаги комиссияларга жойларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш ва таҳлил қилиш, тизимли муаммолар тўғрисида Олий Мажлис палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритиш ва мунтазам равишда ахборот бериш кўрсатилди.

Қайд этиш керак, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга давлат дастури бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқиш топширилди. Коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва тўғри баҳо бериш шахсан раҳбарлар зиммасига юклатилди.

Учинчи босқичда, коррупцияга қарши кураш йўлида олиб борилган ишларни таҳлил қилган ҳолда унинг институционал асосларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги давр коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш – коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Бу ишларни самарали амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари ҳам жалб қилиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга оширишда янги институт бўлди.

Агентлик, биринчидан, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, иккинчидан, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, ва учинчидан, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

Агентлик мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масалаларини координация, мониторинг ва таҳлил қилиш ва шу асосда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, шунингдек, коррупция ҳолатларга йўл қўйган мутасадди шахсларни жавобгарликка тортишни таъминлаш каби юқори ваколатларга эга орган ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда Ўзбекистонда ривожланиши янги саҳифаси очилмоқда. 2020 йилни «Янги Ўзбекистон» шиори билан бошладик ва юқори марраларни белгилдик. Бу борада коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ушбу эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда катта кўч бўлади.

Ботир МАТМУРАТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ  
масалалари ва коррупцияга қарши  
курашиш қўмитаси раиси.

Наманган вилояти Янгикўрғон туманидаги «Hydrolife Botters» МЧЖ филиалида Хитой технологияси асосида қадокланган сув ишлаб чиқарилмоқда.

## Сув 7 босқичли филтрдан ўтказилмоқда



Бир пайтлар фаолияти тўхтаб қолган омбор биноси қайта реконструкция қилиниб, корхонанинг 1 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридидаги ўз маблағи ҳамда 250 минг АҚШ долларига тенг банк кредити йўналтирилган лойиҳа асосида мазкур филиал фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда 200 метр чуқурликдан олинган сув 7 босқичли филтрдан ўтказилиб, кунига 7 минг дона 5 ва 10 литр сифимдаги қадокланган сув тайёрланмоқда.

30 иш ўрни яратилган корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қувватда йўлга қўйилса, яна 200 кишининг бандлиги таъминланади.

Суратда: Наманган вилояти Янгикўрғон туманидаги «Hydrolife Botters» МЧЖ филиалида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

қурилиш соҳасининг барча ишчи-ҳодимларини касб байрамлари билан самимий табриклайди. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, амалга ошираётган эзгу ва шарафли меҳнатларида куч-қувват, янгидан-янги зафарлар тилайди. Юртимиз ҳамиша тинч, меҳнатсевар ва меҳмондўст халқимиз доимо омон бўлсин!



## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

юртимиз ободлиги, тараққиёти, халқимиз турмуши фаровонлиги йўлида ўзларининг муносиб улушларини қўшаётган мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларини касб байрамлари билан қутлайди.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, қилаётган меҳнатингиз роҳатини кўриб юришингизни тилаймиз, азиз бунёдкорлар!



## БУХОРО ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

мамлакатимиз қурилиш соҳасида  
меҳнат қилаётган  
барча ишчи-ходимларни  
касб байрамлари билан  
самимий табриклайди.

Қурмоқ фаслидир бу, яратмоқ фасли,  
Қуриб, қудратлидир одамзод асли.  
Улкан иншоотлар улғу ниятдан,  
Шундай бино қураб Темурбек насли.

*Байрамингиз муборак,  
азиз бунёдкорлар!*



## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

юрт ободлигига ўз ҳиссасини  
қўшаётган барча юртдошларимизни,  
меъмор ва бунёдкорларимизни  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**қурилиш соҳаси ходимлари кунини**  
билан самимий табриклайди.  
Жаннатмонанд диёримиз  
гуллаб-яшнаши, халқимиз учун  
мустақкам ва шинам турар жойлар,  
таълим, тиббиёт ва бошқа  
объектларни бунёд этиш йўлидаги  
шарафли ишларида  
куч-қувват тилаймиз.



## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

юртимиз ободлиги йўлида  
Ўзларининг муносиб  
ҳиссаларини қўшаётган барча  
қурувчи ва меъморларни,  
қурилиш маҳсулотлари ишлаб  
чиқарувчиларни  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**қурилиш соҳаси ходимлари куни**  
билан  
самимий муборакбод этади.  
Юртимиз равнақи йўлидаги эзгу ва  
шарафли  
меҳнатларида куч-қувват, улкан  
зафарлар тилаймиз!

Бугун юртимизнинг барча  
ҳудудларида улкан бунёдкорлик  
ишлари авж олган.  
Ана шундай ишлар Сардоба  
сув омборидан талофат кўрган  
ҳудудларда ҳам амалга оширилмоқда.

Бу ерда барча вилоятлардан келган  
қурувчилар талофатдан зарар кўрган  
аҳолининг тез фурсатларда  
янги уй-жойларга кўчиб ўтишлари  
учун ҳормай-толмай меҳнат  
қилишмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизда,  
шу жумладан, Сирдарё вилоятининг  
талофат кўрган туманларида меҳнат  
қилаётган барча қурувчилар,  
меъморлар ва соҳа ходимларини  
касб байрами билан сидқидилдан  
муборакбод этамиз.  
Уларга куч-қувват, тан сиҳатлик  
тилаб қоламиз.

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин,  
азиз ҳамкасблар!**



**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**  
**қурилиш соҳасида ҳудудий**  
**назорат инспекцияси жамоаси**

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

мамлакатимиз қурилиш соҳасида  
меҳнат қилаётган  
бунёдкорларимизни  
касб байрамлари билан  
самимий табриклайди.

Обод юртимиз бундан-да чирой  
очиб, унинг тинчлиги ва  
осудалигига асло кўз тегмасин!



## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

мамлакатимиз қурилиш соҳаси ривожига муносиб  
ҳисса қўшаётган, янги лойиҳалари билан шаҳарлар  
кўркига кўрк қўшаётган лойиҳачиларни, юртимизда  
амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнларида  
иштирок этаётган қурувчиларни, шу соҳага тааллуқли  
идораларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни  
касб байрамлари билан табриклайди.



**Барчангизга сиҳат-саломатлик,  
шарафли меҳнатларингизда куч-қувват тилаймиз.**

## Автомобиль йўлида қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда

Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида катта иншоотларнинг қурилиши билан бирга автомобиль йўлларининг қурилиши ва таъмирланиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4565-сонли қарори ижроси юзасидан давлат аҳамиятидаги 4р157 «Урганч –Янгиариқ» автомобиль йўлининг 0-8 қисмини қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур автомобиль йўлининг қайта қуриш ишлари «Хоразм-йўлқурилиш» унитар корхонаси томонидан амалга оширилмоқда.

## Муаммолар бартараф этилмоқда

Каттақўрғон шаҳар марказида яшовчи аҳолини ичимлик суви билан доимий таъминлаш ва канализация тизимини яхшилаш анча вақтдан буён катта муаммолардан бери айланиб қолган эди. Хотин-қизлардан тайинланган янги ҳоким, Олий Мажлис Сенати аъзоси Гавҳар Алимова илк фаолиятини айнан маиший-маданий масалаларга ечим топишдан бошлади.

Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини тубдан янгилаш аслида анчагина мураккаб жараён ҳисобланади. Энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялар асосида сув чиқариш ҳамда канализация-тозалаш иншоотлари, сув ўтказгичлар, насос станциялари, тақсимлаш узеллари ўрнатиш осон эмас. Бу йўналишдаги ишлар аҳолига қўлайлик яратишдан ташқари инсон саломатлигини сақлаш, атроф-муҳит мусоффолигини асрашда ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Ишчи-хизматчилари ана шу масъулиятни англаган ҳолда чинакам жонбозлик кўрсатяптилар. Улар «Ўзбеккоммуналлойдихақурилиш» лойиҳа бюросининг Жанубий филиали мутахассислари режаси асосида айни дамда Амир Темури кўчасидаги мuddати тугаб, яроқсиз ҳолга келиб қолган 4,3 километр сув ва 2,9 километр канализация тизимини янгилашга астойдил киришиб, муҳими, қурувчиларнинг бемаъл фаолият юритиши учун барча шароитлар яратиб берилган. Қолаверса, вилоят уй-жой, коммунал хиз-

мат кўрсатиш бошқармасининг «Сув таъминоти ва оқова сувлар объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК вилоят ҳудудий бошқармаси буюртмачилари пудратчилардан тез-тез хабар олишиб, зарур ёрдамларни сира аяшмаяпти. Маҳаллий ҳокимлик вакиллари қурилиш меъёрлари ва қондаларидан чиқмаган ҳолда ишларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатишган.

Ҳамза ШУКУРОВ,  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Термиз давлат университетининг 2020 йил 27 июлдаги 05-2148-сонли буюртманомасига асосан университетга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар бинони бузиб олиш шарти билан дастлабки аукцион савдосига қўйилмоқда:

1. Термиз шаҳар Баркамол авлод кўчаси, 43-уй манзилидаги ректорат ҳудудида жойлашган **умумий қурилиш ости майдони** – 320,64 квадрат метр бўлган Маданият саройи биноси. **Бошланғич баҳоси** – 102 080 210 сўм.
2. Термиз шаҳар А. Навоий кўчаси, 43-уй манзилида жойлашган **умумий қурилиш ости майдони** – 546,99 квадрат метр бўлган кулполчилик биноси. **Бошланғич баҳоси** – 159 630 061 сўм.
3. Термиз шаҳар А. Навоий кўчаси, 43-уй манзилида жойлашган **умумий қурилиш ости майдони** – 191,5 квадрат метр бўлган собиқ қозонхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 59 416 153 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 7 сентябрь кун, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.**

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Қайд этилган кўчмас мулклар 2020 йил 7 сентябрь кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 22 сентябрь, 7, 22 октябрь, 6, 23 ноябрь, 9, 24 декабрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни

қабул қилиш савдо белгиланган санадан 1 (бир) иш кунини олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларига иштирок этиш учун ариза, закат келишуви, закат пули тўлангани тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 (беш) иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

**Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини савдо кунига қадар «КМСХ» МЧЖнинг Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 2060 9027 ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиали МФО 01063 СТИР 207 122 519.

**Манзил:** Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.

**Телефон:** (76) 223-15-82.

**Расмий сайтими:** www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.  
RR-0001-сонли лицензия.

## «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Давлат фельдшерлик хизмати Нукус шаҳар бўлимининг 2020 йил 29 июлдаги 18/15-сонли алоқа хатига асосан Нукус шаҳри, Яимбой гузори кўчаси, рақамсиз уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

2012 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/789МАА бўлган, қониқарсиз, капитал таъмир ҳолатдаги ДАМАС русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 6 526 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 3 сентябрь кун, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ биносига ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати:** аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 18.00да тўхтатилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранс-

порт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

**Савдога қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 2049 4201 6001 АТБ «Турон банк» Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.

**Тел.:** (61) 222-84-44.

**Расмий сайтими:** www.mmm.uz

9506 рақамли гувоҳнома.

## «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси

томонидан dxarid.uzex.uz электрон порталига 2020 йил 1 июль кунини 7028434-лот билан «Бухоро вилояти, Ёғдувон туманидаги «Ёғдувон» эркин иқтисодий зонаси учун оқова тизимлари ва оқова тозалаш иншоотларини қуриш» объекти бўйича берилган эълонда тендер ҳужжатларига қуйидагича ўзгартириш киритилишини ва тендер савдолари мuddати 14 августдан сўнг ўтказилишини билдиради:

### БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИДА:

- дипломли 3 йил иш стажига эга 5 кишидан иборат инженер-техник ходимларнинг мавжудлиги (участка бошлиқлари, прораб ва мастерлар);
  - ишлаб чиқариш-техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 3 та мутахассиснинг мавжудлиги;
  - доимий равишда ишловчи 3 йиллик иш стажига эга 30 та малакали ишчилар мавжудлиги;
  - ходимларнинг йиллик ўртача сони 120 та (ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охириги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан текширилади);
- тендердаги ўрнатилган ўз кучи билан бажариш:** йилига 30 фоиз (24,5 млрд сўм) ва ундан кўп (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади).

Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилади.

## АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

### «PRIME REALTY» МЧЖда

2020 йил 7 сентябрь кунини, соат 15.00 дан бошлаб мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда:

«HABIBULLON OMAD AGRO» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «А. Икромов» массиви ҳудуди бўйича 6,46 Га ер майдони участкасида жойлашган, диаметри 4,78-15 сантиметрдан иборат - жами 2 000 туп олхўри дарахтлари, диаметри 3,50-11 сантиметрдан иборат жами - 528 туп олма дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар. **Бошланғич баҳоси** – 30 760 000 сўм.

«RAFSHANHOJA FAYZ BARAKA» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Итифоқ» массиви ҳудуди бўйича 4,66 Га ер майдони участкасида жойлашган, диаметри 3,50-11 сантиметрдан иборат жами 1 500 туп олма дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар. **Бошланғич баҳоси** – 6 888 600 сўм.

«AXMADJONOV SHAKIR» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «А. Икромов» массиви ҳудуди бўйича 6,20 Га ер майдони участкасида жойлашган, 19 йиллик - жами 5 950 туп узум кўчатлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар. **Бошланғич баҳоси** – 74 053 700 сўм.

Қайд этилган мулклар сотилмай қолган тақдирда, тақдирий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади.

Аукцион савдоси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 23-уй, туман ҳокимлигининг биносига ўтказилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ун) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотув нархининг 5 (беш) фоизи миқдорда комиссия йиғим тўлаши лозим.

Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 15.00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 7007 6599 0001 АТБ «InFinBank» МФО 01041 СТИР 304 844 964.

**Шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:**

аукцион савдосига қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов олинади.

**Манзил:** Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Тел.:** 99-858-01-12.

**E-mail:** info@primerealty.uz

**Веб-сайт:** www.primerealty.uz.

Хизматлар лицензияланган.  
RR-0285-сонли лицензия.

## «Насаф риэлт сервис» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 17 август кунини, соат 10.00 дан бошлаб Қарши шаҳар Амир Темури кўчаси, 74-уйда жойлашган «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносига бошланғич баҳоси ошириб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда қайта қўйилмоқда:

1. АТБ «Микрокредитбанк» Янги Нишон филиалига қарашли Нишон тумани, «Юксалиш» МФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган **умумий майдони** – 848,76 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 324,74 квадрат метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси** – 548 139 737 сўм.

2. АТБ «Микрокредитбанк» Муборак филиалига қарашли Муборак тумани, «Тонг» МФЙ, 4-мишти туманда жойлашган **умумий майдони** – 2 000,73 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 548 квадрат метр бўлган Муборак филиали биноси. **Бошланғич баҳоси** – 1 671 845 670 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун буюртманомалар эълон чиққан санадан бошлаб 2020 йил 14 августгача ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносига қабул қилинади.

Савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси-

ни тузиш ва 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Аукцион савдосига қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар закат келишувини тузилганидан кейин мулк бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорда закат пулини «Насаф риэлт сервис» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000300386509001 АИТБ «Ипак йўли» Қарши филиали МФО 01119 СТИР 303 037 805.

**Шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

– закат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

– **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** – фуқаролик паспорти, СТИР нусхаси;

– **ҳуқуқий шахслар** – устав ва гувоҳнома нусхалари.

**Мурожаат учун манзил:** Қарши шаҳри, Амир Темури кўчаси, 74-уй.

**Телефон:** (91) 222-37-15, (94) 333-60-99.

**E-mail:** Shuhrat682009@mail.ru

**Веб-сайт:** nasaf-nevdijimost.zn.uz

Хизматлар лицензияланган.  
RR-0204-сонли лицензия.

## Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 3 июлдаги 50-51-сонларида Сурхондарё вилояти ҳокимияти томонидан уй-жойлар қуриш бўйича берилган эълондаги тендер савдоларини ўтказиш мuddатлари 2020 йил 7 августгача узайтирилганини маълум қилади.

## Наманган вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 3 июлдаги 50-51-сонларида чоп этилган ва 21 июлдаги 56-сонда ўзгартириш киритилган 2020 йилда Наманган вилояти қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш

учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдолари эълондаги таклифларни топширишнинг охириг мuddати 3 августдан 13 августга кўчирилганини маълум қилади.

## Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 3 июлдаги 50-51-сонда Самарқанд вилояти ҳокимияти 2020 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан

2020-01-сонли танлов савдолари эълондаги таклифларни топширишнинг охириг мuddати 2020 йил 3 август, соат 10.00 дан 2020 йил 10 август, соат 10.00 га кўчирилганини маълум қилади.

## «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси

томонидан 2020 йил 1 июль кунини dxarid.uzex.uz электрон порталига 7028434-лот билан жойлаштирилган «Бухоро вилояти, Ёғдувон туманидаги «Ёғдувон» эркин иқтисодий зонаси учун оқова тизимлари ва оқова тозалаш иншоотларини қуриш» объекти бўйича малакавий-техник кўрсаткичлари ўтиш бали 70 балл ва

ундан юқори баҳоланган иштирокчиларнинг молиявий таклифларини қўриб чиқишга рухсат берилганини маълум қилади.

Объект бўйича тендер ҳужжатларини қабул қилиш 10 августга қадар ва тендер савдоларини 10 августдан сўнг ўтказиш мuddатини узайтирилишини билдиради.

## Нурли келажакка элтувчи йўллар

Самарқанднинг Кимёгарлар қўрғонига ўтган асрнинг ўрталарида дастлабки пойдевор қурилган.

Мамлакатимиздаги йирик sanoat корхонаси ҳисобланган Суперфосфат заводи фаолияти йўлга қўйилган, бу ерда ишлайдиган ходимларга шарт-шароит яратиш мақсадида бунёд этилган шинам уйлар, маданий-маиший, савдо бинолари яхлит мажмуа сифатида шаҳарнинг энг ораста, кўркем қадамжосига айланган эди. Собиқ Иттифоқ тарқалгандан кейин корхона ҳам секин-аста пароканда бўлди. Ишсиз қолган одамлар ҳар томонга кўчиб кетдилар. Посёлка хувиллаб қолиб, ўз файзу-тароватини йўқотди. Кўп иморатлар бузилди, талон-тароҳ қилинди. Хиёбонлар, кўчалар қаровсизликдан харобага айланди...

Фақат янги асрга келиб сўлим масканда яна ҳаёт изга туша бошлади. Ишлаб чиқариш ривожланди, хонадонлар ўз эгаларини топди, таъмирталаб жойларга инсонлар қўли етиб борди. Ўтган илли виллоят ҳокими Эркинжон Турдимов ташаббуси билан қўрғондаги ўзига хос мезморий кўринишдаги муҳташам маданият саройи қайта «кўз очиб», замонавий қиёфа касб этди. Айни пайтда қарийб эллик минг аҳоли яшайдиган тураржойда ободонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ана шундай хайрли ишлардан бири автомобиль йўллари ва пидедалар йўлакчалари янгидан барпо этилиб, халқаро андозалар даражасида жиҳозланаётганини айтиш мумкин.

– Биз қўрғонни Самарқанд шаҳри билан бирлаштирадиган 7 километрик йўлни сифатли таъмирлаб беришни ўз зиммамизга олганмиз, – дейди пудратчи ташкилот – «Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонаси директори Муродхон Ҳожионов. – Карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ишчи-хизматчиларимиз Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллигига ана шу иншоотни яқунлашга астойдил бел боғлаган. Қўнанингни энини 18 метрча етказиш, икки томонида пидедалар учун



махсус тротуар ясаш, «Самнур» мутахассислари ёрдамида ёриткичлар ўрнатиш, автобус бекатларини янгиси билан алмаштириш, чекка қисмларга дарахт ва гуллар экиш, ландшафтга мослаб мозаикали паннолар яратиш ишларини жадаллик билан олиб бораёмиз. Меҳнаткашларга уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилгани, дам олиш шароитлари ҳозирлангани ишга ижобий таъсир этиб, унумдорлик янада ошмоқда. Яна бир гап. Қўли гул қурувчилар атрофдаги кўп қаватли хонадон, маиший биноларга кўрк бағишлаган ҳам алоҳида эътибор қаратишган.

Айтиш жоизки, виллоят автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси буюртмаси асосида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига республика бюджет-

тидан маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бундан сал илгарироқ эса қўрғоннинг ички йўллари ҳам ана шундай замонавий кўринишда таъмирланганини таъкидлаш ўринлидир. Текис, раvon кўча бўйлаб пидедалар йўлакчасидан ташқари замонавий велотрэк ҳам қурилгани аҳолига гоят манзур тушиб севимли сайроҳга айланган. «Йўл лойиҳа» МЧЖ мутахассислари, дизайнерлари шу кунларда бошқа кўчаларга ҳам янада чирой бағишлаш мақсадида чинакам ижодкорлик намунасини кўрсатяптилар.

**Суратларда:** Кимёгарлар қўрғонига олиб борилган иш жараёни.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

## ДХМнинг янги биноси қурилмоқда

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!» деган эзгу ғоя бугун ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда.

Мамлакатимизда давлат хизматлари соҳасини янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва унинг қўламини кенгайтиришга катта эътибор қаратилган турли ҳудудларда қад кўтараётган замонавий бинолар мисолида кўришимиз мумкин. Эътиборли жиҳати, юртимизнинг меъмор лойиҳачилари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосидаги мазкур объектлар қурувчиларимизнинг самарали меҳнати билан кўркем қиёфада бунёд бўлмоқда.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпри туманида Давлат хизматлари марказининг янги биноси қурилиш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Тахтақўприда олиб борилган бунёдкорлик ишлари учун туманининг марказий қисмида 0,2 гектар ер майдони ажратиб берилган. Бугунги кунда объектнинг ички инфратузилмаси, яъни табиий газ, электр энергияси, иссиқлик таъминоти, ичимлик суви, канализация тармоқлари учун қувурлар тортилди ва сантехника воситалари унатиш.

Қурилиш майдонидаги ишларга 60 та техника ва 70 нафар қурувчи ҳамда ишчи-ҳодимлар жалб этилган. Иш сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида меҳнаткашларга ўз вақтида ойлик маошлари тўлаб берилиб, 3 маҳал иссиқ овқат ҳамда антисептик воситалар билан тўлиқ таъминланган.

Маҳаллий бюджет ҳисобидан бунёд этилган марказ биноси ноънанавий архитектура ва миллий меъморий ечим билан уйғунлашган. Бинонинг холл қисми шинам ва обод бўлиши учун алоҳида эътибор қаратилган. Мустақиллик байрами арафасида ушбу объектада қурилиш ишларининг яқунлаши халқимиз учун муносиб тўхфа бўлиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.



## Қорақўлда Маданият ва истироҳат боғи бунёд этилмоқда

Бухоро вилояти Қорақўл тумани марказида Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусга монанд Маданият ва истироҳат боғи барпо этилмоқда.

Истироҳат боғига киришдаги рангли фавворалардан бошланган рамзий беш йўлак Қорақўл ёшларининг порлоқ келажакни ифодалайди.

Боғдаги биринчи йўлак маданият ва санъат йўналишига мосланган бўлиб, у марказий саҳнага эга бўлган 200 ўринли Амфитеатрга олиб боради. Ёшлар бу жойда бўш вақтини мазмунли ўтказиши, тасвирий ва амалий санъат билан шуғулланиб, ижодий маҳорат ошириши мумкин.

Спорт йўналишидаги иккинчи йўлак ёшларни шахмат, стол теннис, велоспорт, биллирд каби оммавий спорт турларига қизиқтириш мақсадида йўналтирилган.

Учинчи йўлакда IT-Парк ташкил қилинади. Ёшлар интернет тармоғига уланиши учун истироҳат боғи бепул Wi-Fi ҳудудга айлантирилади.

Туртинчи йўлакда китоб ихлосмандлари учун Book-safe ташкил

қилиниб, мазкур ҳудудда китобхонлар учун барча маиший қўлайликларга эга замонавий ўқув зали жой олади. Унга босма ва электрон адабиётлар келтириб жойлаштирилиши белгиланган.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг энг қўлай ва замонавий моделини бешинчи йўлакда кўриш мумкин бўлади. Бу масканда ҳақиқий ҳаёт қайнайдиган «Кворкинг марказ» ва қўл меҳнати намуналарини ўзида жамлайдиган санъат кўргазмаси фаолияти йўлга қўйилади.

Шунингдек, истироҳат боғида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ундовчи шарафли касбларга оид бурчаклар ташкил қилинади. Туманда яшаб, Ватан равақи учун матонат билан хизмат қилган инсонлар фаолиятини акс эттирувчи музей қад рост-лайди.

Истироҳат боғи тўлиқ модернизация қилинган, бир кунда 10



минг кишигача хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Бу аҳолининг мазмунли ҳордик чиқаришини таъминлаш билан бирга туманининг туристик жозибдорлигини ҳам оширади.

**Суратларда:** Қорақўл тумани марказида барпо этилаётган Маданият ва истироҳат боғида.

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.**

**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
Ўзбекистоннинг қўрғонига ўтган асрнинг ўрталарида дастлабки пойдевор қурилган.

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бosh директор – Дилшод Жалолов

**Таҳрир хайъати:**  
Батир Закиров [Таҳрир хайъати раиси],  
Козим Тўлаев, Эркин Исқандаров, Ботир Зарипов,  
Юлдаш Мағрулов, Жамшид Исмаилов,  
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**  
Бosh муҳаррир  
Саҳифаловчи  
Мусахҳиҳ

**Дилшод Жалолов**  
**Акmal Махkamов**  
**Райхон Таниқуллова**

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассаси:  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,  
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,  
«ЎзГАШҚЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозлиқЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.  
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),  
71-244-15-13 (отиб), 71-244-22-10 (бухгалтерия),  
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** uzbyudkori@mail.uz

**Виллоят мухбирлари телефон рақамлари:**  
**Анджидон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.  
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.  
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466. Ўйуртма – Г-853.  
2148 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган.  
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлзмавлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳри, «Бўюн Тўрон» кўчаси, 41.  
**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.  
**Навбатчи** – Б. Гўлjamов.

ЎЗА яқини – 23.50. Топширилди – 00.40.

123456

Хўжабод туманида йилига 16 минг дона темир-бетон устун ишлаб чиқариш қувватига эга корхона барпо этилиши натижасида қўшимча 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

## Сифат ва самарадорлик янада ошади

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари қатори, Анджидон вилоятида ҳам карантин шароитида sanoat корхоналарини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини барқарорлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йилларда паст кучлинишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2661-сонли қарори бу борда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, «Анджидон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти томонидан қарор ижроси юзасидан амалга оширилган ишларни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойдаланилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш мақсадида темир-бетон устунлар ишлаб чиқариш корхонаси қурилмоқда.

Хўжабод тумани электр тармоқлари корхонаси ҳудудидан ажратилган 50 сотих ерда айни кунларда қурилиш ишлари жадал кетмоқда.

Умумий лойиҳа қиймати 3 миллиард сўм бўлган темир-бетон таянчлар ишлаб чиқариш цехи қурилиши ва зарур жиҳозларни олиб келиш, ўрнатиш ва ишга тушириш бўйича «CAMELWAY CHINA» масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузилгани, шу билан бирга, хитой-



лик мутахассислар томонидан зарур жиҳоз ва дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилаётгани иш сифати ва самарадорлигини оширмоқда.

– Авваллари корхонамиз томонидан темир-бетон устунлар қўшни вилоятлардан олиб келинарди, – дейди «Анджидон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти бosh директори Аҳаджон Жўраев. – Корхона тўла қувват билан ишга тушган, виллоят электр тармоқлари тизимига темир-бетон устунларга бўлган эҳтиёж асосан шу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳисобидан тўла қопланади. Бу корхонамизга маълум миқдордаги маблағни иқтисод қилиш ҳамда ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, шунингдек, ишчи-ҳодимларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини кенгайтиради.

Таъкидлаш керакки, янги корхона ишга тушиши ҳисобига 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

## Электр энергияси етказиб бериш сифати яхшиланмоқда

«Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖнинг шаҳар ва туман электр таъминоти корхоналари аҳолини сифатли ва узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш борасида самарали фаолият юритмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида «Навоий ҲЭТК» АЖ томонидан виллоят ҳудудидаги 12 минг 800 та юридик ва 169 минг 700 аҳоли истеъмолчиларига жами 3 минг 910,0 миллион кВт.с электр энергияси етказиб берилди. Шунингдек, 231,0 км ҳаво электр узатиш тармоқлари янгиланди, 64 дона трансформатор пунктлари ўрнатилди. Бундан ташқари, мавжуд 668,7 км электр узатиш тармоқлари, 175 дона трансформатор пунктлари ҳамда 5 дона юқори кучлинишли подстанцияларда мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Айни вақтда Кармана туманининг Боғишамол ва Навоий шаҳрининг Гулистон маҳаллаларида корхона ишчи-ҳодимлари томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Боғишамол ҳудудида темир-бетон таянч устун-



лари ўрнатилган бўлиб, 2 та трансформатор пунктларини янгидан ўрнатиш ва 2,8 км СИП русумли кабел тармоғи ва 10 кв.ли АС кабеллар тортиш ишлари олиб борилмоқда. Бундай қурилиш ишлари виллоятнинг барча ҳудудларида амалга оширилмоқда.

**Суратда:** «Навоий ҲЭТК» АЖ ҳодимлари иш пайтида.

**Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА)**  
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси Бухоро вилояти қурилиш бosh бошқармаси бошлигининг ўринбосари – Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиги

**Истам Азимович ХАМРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Навоий вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси Бухоро вилояти қурилиш бosh бошқармаси бошлигининг ўринбосари – Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиги

**Истам Азимович ХАМРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 8 август куни чиқади.